**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

# ***5610200 – Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш*** бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

**Тошкент**

ЎзР ОЎМТВ
Буйруқ № 418
14 · 08 2020 йил

## СЎЗ БОШИ

**1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент давлат иқтисодиёт университети;
- Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси

**2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020йил «14» 08 даги 418 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

**3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 610000 – Хизмат кўрсатиш соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Мазкур малака талабини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

**МУНДАРИЖА**


| Т/р | | бет |
|---|---|---|
| **1.** | ***5610200 – Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш* бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи ................................** | **4** |
| 1.1. | Қўлланиш соҳаси............................................................................................ | 4 |
| 1.1.1. | *5610200 – Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш* таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши............................................................. | 4 |
| 1.1.2. | Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари............................................... | 4 |
| 1.2. | *5610200 – Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш* бакалавриат таълим йўналиши касбий фаолиятининг таснифи ......................... | 4 |
| 1.2.1. | *5610200 – Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари: ....................... .... | 4 |
| 1.2.2. | *5610200 – Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.................. | 5 |
| 1.2.3. | *5610200 – Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари........................ | 5 |
| 1.2.4. | *5610200 – Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш таълим* йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари..... ...................... ......... | 5 |
| **2.** | *5610200 – Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар ..................... ..................... ..................... ..................... ................... | 7 |
| 2.1. | Умумий компетенциялар.............................. .................................................. | 7 |
| 2.2. | Касбий компетенциялар...................................................... ...................... ............ | 7 |
| 2.3. | Касбий квалификациялар.................................................................................. | 8 |
| 3. | *5610200 – Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар............................................... ..................... ....................... | 8 |
| 3.1. | *5610200 – Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар..................... ..................... ..................... ..................... ..................... | 8 |
| 3.2. | *5610200 – Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми ..................... ..................... | 8 |
| | Библиографик маълумотлар..................... ..................... ..................... ............ | 9 |

## 1. *5610200 – Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш* бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи

***5610200 – Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш*** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кредит-модуль тизимининг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга "бакалавр" малакаси (даражаси), "Иқтисодчи" квалификацияси берилади ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

**1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1. *5610200 – Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш* таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби *5610200 – Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2.** Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаби асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

**1.1.3. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув-услубий бошқарма бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. *5610200 – Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи**

**1.2.1. *5610200 – Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

***5610200 – Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш*** таълим йўналиши – фан ва туризм соҳасидаги таълим йўналиши бўлиб, туризм соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этишнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини такомиллаштириш, меҳмонхона хўжалиги субъектларини тизимли тахлил қилиш ва ривожлантириш, меҳмонхона хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, режалаштириш, ташкилий бошқарув таркибини шакллантириш, бизнес стратегиясини таҳлил қилиш, қайта ишлаш ва амалга ошириш, махсулот ва хизматларни реклама қилиш, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, меҳмонхона хўжалигида хизмат кўрсатиш жараёнларини таҳлил қилиш, модернизациялаш, диверсификациялаш, математик моделларни қўллаш, меҳмонхона

хўжалигидаги корхоналарининг рақобатбардошлик ҳолатини таҳлил қилиш, корхоналарни ривожлантиришга, истиқболини белгилашга, касбий кўникмага, мутасаддилик кобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услублари билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари ва соҳа мутахассисларининг таклиф ва талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

**1.2.2. *5610200 – Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

–давлат ва нодавлат туристик корхона ва муассасалар, компаниялар (фирмалар), ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқалар;

–меҳмонхона комплекслари;

– соғломлаштирувчи масканлар ва улар билан боғлиқ жойлаштириш воситалари;

–меҳмонхона хўжалигига оид барча турдаги корхоналар, туристларни аналогик жойлаштириш воситалари;

–маҳаллий ва хорижий сайёҳларга меҳмонхона хизматларини кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар;

–туризмнинг соҳа ва тармоқларида ташкилот, корхона ва муассасалар самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш жараёнлари;

–туризм соҳасида вазиятли ва тизимли ёндошув тамойилларини татбиқ этиш, давлат ва маҳаллий бошқарув қарорларини амалга ошириш жараёнлари;

– туризм ташкилотлари ва корхоналарида замонавий бошқарув тизимини ташкил этиш, ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, бошқарув самарадорлигини ошириш, меҳнатни рағбатлантириш жараёнлари;

–меҳмонхона хўжалиги билан билан боғлиқ ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнлари.

**1.2.3. *5610200 – Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- ташкилий-бошқарув.
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш:
- ахборот-таҳилий фаолият;
- илмий-тадқиқот фаолияти;
- тадбиркорлик.

**1.2.4. *5610200 – Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш таълим* йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

***5610200 – Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш*** таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:

**Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:**

- хўжалик юритувчи субъект фаолиятини режалаштириш, ҳисоб-китоб ва таҳлил қилиш бўйича услубий кўрсатмалар, ҳуқуқий ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;

- режалаштириш ишларини ташкил этиш;

- меҳмонхона хўжалиги субъектини хўжалик-молиявий ва ишлаб чиқариш фаолияти бўйича истиқболли ва жорий режаларни (дастурларини) ишлаб чиқиш;

- меҳмонхона хўжалиги субъектларини иқтисодий фаолиятини оқилона ташкил этишда мамлакатимиз ва хориж тажрибасини ўрганиш;

- хўжалик юритувчи субъектларни техника-иқтисодий ҳисоб-китоблар ва хўжалик фаолияти таҳлилини олиб боришда ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш;

- меҳнатни муҳофаза қилиш меъёр ва қоидаларига амал қилиш.

- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналар фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;
- меҳмонхона хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;
- туристик корхоналарда ишлаб чиқариш хизмат кўрсатиш самарадорлигини таъминлаш бўйича илмий тадқиқотлар ечимларини амалиётга татбиқ этиш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини назорат қилиш;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнлари ва ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш, фавқулодда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш.
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарига инвестицияларни жалб қилиш механизмларини қўллаш, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш.
- туризм соҳаси бўйича ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида иқтисодий хизмат бўлинмаларини ташкил этиш;
- меҳмонхона хўжалигида янги товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг намунавий технологик жараёнларини ишлаб чиқиш ва қўллаш;
- меҳмонхона хўжалигида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;
- меҳмонхона хўжалигида ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш тамойилларини қўллаш;
- бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш.

**Ахборот-таҳлилий фаолиятида:**

- замонавий ахборот технологиялардан бошқарувда фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқариш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ташкилотнинг ташқи ва ички муҳити омиллари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;
- қарор қабул қилиш, фаолиятни режалаштириш ва бошқариш учун маълумот тўплаш, ташкилотнинг ички ахборот тизимини яратиш ва унинг ишлашини бошқариш;
- ташкилотнинг ички ҳужжат айланиши тизимини ишлаб чиқиш ва бошқариш, ташкилотлар фаолиятининг турли кўрсаткичлари бўйича маълумотлар базасини юритиш;
- лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш;
- мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар фаолиятини халқаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талаблари асосида таҳлил қилиш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналар кўрсаткичилари ўзгариш тенденциялари ва динамикасини таҳлил қилиш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналар молиявий ва статистик ҳисоботларини тузиш ҳамда уларни шарҳлаш;
- таҳлилий масалаларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологиялари ва техник воситалардан фойдаланиш;
- ахборот-таҳлил фаолияти натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш.

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- илмий тадқиқот институтлари ва илмий марказларда иқтисодиётнинг долзарб йўналишлари юзасидан илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;
- меҳмонхона хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;

- меҳмонхона хўжалиги корхоналарига тегишли мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқлари, махсус адабиётлар ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш;

- меҳмонхона хўжалиги корхоналаридаги муаммолар мавзулари бўйича иқтисодий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;

- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

- илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни татбиқ этиш.

**Тадбиркорлик фаолиятида:**

- янги бизнес-лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш;
- бизнесни ташкил этиш, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

**1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

***5610200 – Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш*** бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланадиган иқтисодиёт соҳаларини қамраб олувчи магистратура мутахассисликлари бўйича белгиланган муддатларда ўқишни давом эттириши мумкин.

## 2. *5610200 – Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

**2.1. Умумий компетенциялар:**

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тассаввурга эга бўлиш.

**2.2. Касбий компетенциялар**:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;

- хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда туристик корхона (ташкилот)ни ривожлантириш стратегиясини қўллаш, тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;

- ижодий фикрлаш, музокаралар, учрашувлар, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва онлайн алоқаларни амалга оширишни билиш;

- корпоратив ахборот тизимларини, молиявий-иқтисодий таҳлил ва молиявий ҳисоботларни тайёрлашни, маълумотлар базасини юритишни билиш;

- стратегик ва операцион режалаштириш, ишни самарали ташкил этиш, бошқаришнинг замонавий технологияларини, ходимлар жамоасига етакчилик қилишни

билиш;

- иқтисодий ўсиш, стратегик таҳлил қилиш, рақобатдошликни таъминлашга қаратилган ташкилот стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;
- активларни баҳолаш, айланма маблағларни бошқариш, дивиденд сиёсати ва капитал тузилмасини шакллантиришда молиявий бошқарувнинг асосий усулларини қўллай билиш;
- лойиҳалар, бизнес-режалар ва шартномаларни шакллантириш ҳамда бошқариш, ижрочилар фаолиятини мувофиқлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;
- макроиқтисодий муҳитни, бозор ва унга хос хатарларни, рақобат муҳитини таҳлил қилиш ва баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;
- хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш фаолиятига таълуқли қарорларни қабул қилишда, уларни аниқ вазифаларга мослаштириш орқали иқтисодий, молиявий ва ташкилий-бошқарув моделларини шакллантиришда миқдорий ва сифатли таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиш;
- бухгалтерия сиёсати ва туристик ташкилотнинг молиявий ҳисоботларини шакллантиришда молиявий бухгалтерия ҳисобининг асосий принциплари ва стандартларини, бошқарув ҳисоби маълумотлари асосида харажатларни бошқариш ва қарорларни қабул қилиш уқувига эга бўлиш;
- бизнес жараёнларини моделлаштириш, бизнес юритишнинг иқтисодий ва ижтимоий шароитларини баҳолаш, янги бозор имкониятларини аниқлаш ва янги бизнес моделларини шакллантиришни билиш;
- янги ташкилотларни (фаолият йўналишлари, маҳсулотлари) яратиш ва ривожлантириш учун бизнес режалаштириш кўникмаларига эга бўлиш.

**2.3. Касбий квалификациялар:**

Туризм тармоқлари бўйича иқтисодчи, маркетолог, иқтисодий таҳлилчи (аналитик), меҳмонхона хўжалигида хизмат кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш, хизматлар бозорини сегментлаш, туризм маҳсулот истеъмолчилари хулқ-atворини ўрганиш, меҳмонхона хўжалигида корхоналар фаолиятини бошқариш, меҳмонхона хизматларини ташкил этиш, ресторан сервисини ташкил этиш, туризм соҳасидаги хизмат кўрсатиш корхоналарининг рақобатбардошлик ҳолатини таҳлил қилиш, туризм корхоналари дастурини тузиш, турли мулкчилик шаклидаги туристик ва хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини ривожлантириш, иқтисодий математик усуллар, бизнес бошқаруви каби квалификацияларга эга бўлиш.

## 3. *5610200 – Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

**3.1. *5610200 – Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар**

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашини таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графиги, ҳафталар кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, таътиллар, семестрлар бўйича ўтиладиган “Табиий-илмий ва гуманитар фанлар”, “Умумкасбий фанлар”, “Махсус фанлар”, машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Бакалавриат таълим йўналишида таълим олувчи бир семестрда 30 кредит, бир ўқув йилида 60 кредит тўплаши белгиланади. Ўқиш муддати 2 йил бўлганда 120 кредит тўплаши

зарур. Таълим олувчи учун бир ECTS кредитнинг соатлардаги миқдори 30 академик соатни ташкил этиб, таълим олувчининг бир йиллик ўқув юкламаси 1800 академик соатдан иборат. Шундан - 40% аудитория соати, 60% мустақил таълим соатига бўлинади. ECTS кредитнинг соатлардаги миқдори ва иш ҳажми миқдори олий таълим муассасаси кенгаши томонидан белгиланади. Семестр давомида талаба томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган кредитлар ҳажми ўқув режада кўрсатилган мажбурий ва танлов фанларини ўз ичига олади.

**3.2. *5610200 – Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг меъёрий муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

| **Ўқув даврлари** | **Кундузги таълим шакли учун*** | **Кечки таълим шакли учун*** | **Сиртқи шакли таълим учун*** |
|---|---|---|---|
| Назарий ва амалий таълим* | 40-60% | 40-60% | 40-60% |
| *Шу жумладан, мустақил таълим* | - | 15-35% | 25-45% |
| Аттестация | 6-8% | 6-8% | 6-8% |
| Таътил | 10-30% | 10-30% | 10-30% |
| Малакавий амалиёт | 15-30% | 15-30% | 15-30% |
| Битирув малакавий иши | 2-3% | 2-10% | 2-10% |

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7 Гурух Т 55

ОКС 01.040.01

**Таянч сўзлар:**
касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриатнинг асосий ўқув режа ва фан дастурлари, профиль, уқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриатнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, кредит-модуль тизими, хизмат кўрсатиш, ижодий фикрлаш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

Ректор_____________**К.А.Шарипов**

202_ йил «_____» ______________

М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимини ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази**

Директор_______________**З.Хакимов**

202_ йил «_____» __________

М.Ў.

**Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Туризм соҳасида кадрларни тайёрлаш ва илм - фанни ривожлантиришга кўмаклашиш бошқармаси бошлиғи**

Бошқарма бошлиғи______________ **А.А.Эштаев**

202_ йил «_____» ______________

М.Ў.

**“Le Grande Plaza” меҳмонхонаси**

Бош директор ўринбосари ___________ **З.К.Гафуров**

202_ йил «______» _______________

М.Ў.

**“Anzur-travel” Туристик компанияси**

Директор ____________ **У.М.Нурматов**

202_ йил «_____» ________________

М.Ў.

***5610200 – Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш* бакалавриат таълим йўналиши бўйича малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқувчи Ишчи гуруҳ таркиби**

| т/р | Ишчи гуруҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш. | Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи | Имзо |
|---|---|---|---|
| **Раис** | | | |
| 1. | К.Шарипов | ТДИУ ректори | |
| **Аъзолари:** | | | |
| 2. | М.Эшов | ТДИУ ўқув ишлари бўйича проректор | |
| 3. | М.Султонов | ТДИУ таълимга кредит-модуль тизимини жорий қилиш бўлими бошлиғи и.ф.н., доцент. | |
| 4. | М.Зуфарова | “Халқаро туризм” факультети декани, доцент | |
| 5. | М.Амонбоев | ТДИУ, “Туризм ва сервис” кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент | |
| 6. | А.Абдувохидов | ТДИУ, “Туризм ва сервис” кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори | |
| 7. | Ш.Сайфутдинов | ТДИУ, “Туризм ва сервис” кафедраси доценти | |
| 8. | А.Собиржонов | ТДИУ, “Туризм ва сервис” кафедраси ассистенти | |

**Ректор ______________ К.А. Шарипов.**

**Ўқув ишлари бўйича проректор ______________ М.П. Эшов**

**“Халқаро туризм” факультети декани ______________ Н.Г.Зуфарова**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**
**Бакалавриат таълим йўналишлари учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг бакалавриат йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)**

| Т.р. | Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) | | Вазирлик (идора)нинг бакалавриат йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари) |
|---|---|---|---|
| | шифри | номи | |
| | 5610200 | Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш | **Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:**<br>**а) умумий талаблар:**<br>- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;<br>- хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда туристик корхона (ташкилот)ни ривожлантириш стратегиясини қўллаш, тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;<br>- ижодий фикрлаш, музокаралар, учрашувлар, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва онлайн алоқаларни амалга оширишни билиш;<br>- корпоратив ахборот тизимларини, молиявий-иқтисодий таҳлил ва молиявий ҳисоботларни тайёрлашни, маълумотлар базасини юритишни билиш;<br>- стратегик ва операцион режалаштириш, ишни самарали ташкил этиш, бошқаришнинг замонавий технологияларини, ходимлар жамоасига етакчилик қилишни билиш;<br>- иқтисодий ўсиш, стратегик таҳлил қилиш, рақобатдошликни таъминлашга қаратилган ташкилот стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;<br>- активларни баҳолаш, айланма маблағларни бошқариш, дивиденд сиёсати ва капитал тузилмасини шакллантиришда молиявий бошқарувнинг асосий усулларини қўллай билиш;<br>- лойиҳалар, бизнес-режалар ва шартномаларни шакллантириш ҳамда бошқариш, ижрочилар фаолиятини мувофиқлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;<br>- макроиқтисодий муҳитни, бозор ва унга хос хатарларни, рақобат муҳитини таҳлил қилиш ва баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;<br>- хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш фаолиятига таълуқли қарорларни қабул қилишда, уларни аниқ |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | вазифаларга мослаштириш орқали иқтисодий, молиявий ва ташкилий-бошқарув моделларини шакллантиришда миқдорий ва сифатли таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиш;<br>- бухгалтерия сиёсати ва туристик ташкилотнинг молиявий ҳисоботларини шакллантиришда молиявий бухгалтерия ҳисобининг асосий принциплари ва стандартларини, бошқарув ҳисоби маълумотлари асосида харажатларни бошқариш ва қарорларни қабул қилиш укувига эга бўлиш;<br>- бизнес жараёнларини моделлаштириш, бизнес юритишнинг иқтисодий ва ижтимоий шароитларини баҳолаш, янги бозор имкониятларини аниқлаш ва янги бизнес моделларини шакллантиришни билиш;<br>- янги ташкилотларни (фаолият йўналишлари, маҳсулотлари) яратиш ва ривожлантириш учун бизнес режалаштириш кўникмаларига эга бўлиш;<br>- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;<br>- глобал компьютер тармоқларида маълумотлар билан ишлаш қобилиятига эга бўлиши;<br>- бўлиши мумкин бўлган ҳар хил ҳалокат ва табиий офатлар оқибатларидан ишлаб чиқариш ходимлари ва аҳолини ҳимоя қилишнинг асосий методларига эга бўлиши;<br>- мустақил равишда жисмоний тарбия ва соғлиқни мустаҳкамлашдан методик тўғри фойдаланиш воситаларини эгаллаган бўлиши, тўлақонли ижтимоий ва касбий фаолиятни таъминлаш учун жисмоний тайёргарликнинг керакли даражасини эгаллашга *тайёр бўлиши лозим.*<br>***б)* касбий талаблар:**<br>**Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:**<br>- хўжалик юритувчи субъект фаолиятини режалаштириш, ҳисоб-китоб ва таҳлил қилиш бўйича услубий кўрсатмалар, ҳуқуқий ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;<br>- режалаштириш ишларини ташкил этиш;<br>- меҳмонхона хўжалиги субъектини хўжалик-молиявий ва ишлаб чиқариш фаолияти бўйича истиқболли ва жорий режаларни (дастурларини) ишлаб чиқиш;<br>- меҳмонхона хўжалиги субъектларини иқтисодий фаолиятини оқилона ташкил этишда мамлакатимиз ва хориж тажрибасини ўрганиш;<br>- хўжалик юритувчи субъектларни техника-иқтисодий ҳисоб-китоблар ва хўжалик фаолияти таҳлилини олиб боришда ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш;<br>- меҳнатни муҳофаза қилиш меъёр ва қоидаларига амал қилиш.<br>- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналар фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш; |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | - меҳмонхона хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;<br>- туристик корхоналарда ишлаб чиқариш хизмат кўрсатиш самарадорлигини таъминлаш бўйича илмий тадқиқотлар ечимларини амалиётга татбиқ этиш;<br>- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;<br>- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;<br>- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини назорат қилиш;<br>- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнлари ва ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш, фавқулодда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш.<br>- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарига инвестицияларни жалб қилиш механизмларини қўллаш, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш.<br>- туризм соҳаси бўйича ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида иқтисодий хизмат бўлинмаларини ташкил этиш;<br>- меҳмонхона хўжалигида янги товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг намунавий технологик жараёнларини ишлаб чиқиш ва қўллаш;<br>- меҳмонхона хўжалигида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;<br>- меҳмонхона хўжалигида ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш тамойилларини қўллаш;<br>- бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш.<br>**Ахборот-таҳлилий фаолиятида:**<br>- замонавий ахборот технологиялардан бошқарувда фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;<br>- ишлаб чиқариш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ташкилотнинг ташқи ва ички муҳити омиллари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;<br>- қарор қабул қилиш, фаолиятни режалаштириш ва бошқариш учун маълумот тўплаш, ташкилотнинг ички ахборот тизимини яратиш ва унинг ишлашини бошқариш;<br>- ташкилотнинг ички ҳужжат айланиши тизимини ишлаб чиқиш ва бошқариш, ташкилотлар фаолиятининг турли кўрсаткичлари бўйича маълумотлар базасини юритиш;<br>- лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш; |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | - мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар фаолиятини халқаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талаблари асосида таҳлил қилиш;<br>- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналар кўрсаткичилари ўзгариш тенденциялари ва динамикасини таҳлил қилиш;<br>- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналар молиявий ва статистик ҳисоботларини тузиш ҳамда уларни шарҳлаш;<br>- таҳлилий масалаларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологиялари ва техник воситалардан фойдаланиш<br>- ахборот-таҳлил фаолияти натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш.<br>**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**<br>- илмий тадқиқот институтлари ва илмий марказларда иқтисодиётнинг долзарб йўналишлари юзасидан илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;<br>- меҳмонхона хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;<br>- меҳмонхона хўжалиги корхоналарига тегишли мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқлари, махсус адабиётлар ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш;<br>- меҳмонхона хўжалиги корхоналаридаги муаммолар мавзулари бўйича иқтисодий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;<br>- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;<br>- илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;<br>- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни татбиқ этиш. |

**Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Туризм соҳасида кадрларни тайёрлаш ва илм - фанни ривожлантиришга кўмаклашиш бошқармаси бошлиғи** **А.Эштаев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TURIZMNI RIVOJLANTIRISH DAVLAT QO'MITASI
KADRLAR BOSHQARMASI

**“Le Grande Plaza” меҳмонхонаси бош директор ўринбосари** **З.Гафуров**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SH. MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI XORIJIY KORXONASI
REPUBLIC OF UZBEKISTAN TASHKENT CITY FOREIGN ENTERPRISE IN THE FORM OF LLC
SHEBA PROPERTIES

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети томонидан 230000-Иқтисод ва 610000-Хизматлар таълим соҳаларининг Давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланган малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқиш бўйича турдош Олий таълим муассасалари билан**

# КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

**Тошкент ш.** **"28" 07 2020 й.**

**Қатнашдилар:** Ш.А.Шарипов – Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори, М.П.Эшов – ТДИУ Ўқув ишлар бўйича проректор, Ф.Насриддинов – ТДИУ Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи, А.Абдувалиев В.А. – ТДИУ ҳузуридаги "Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари" илмий тадқиқот маркази директори, А.А.Эштаев – Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Туризм соҳасида кадрларни тайёрлаш ва илм - фанни ривожлантиришга кўмаклашиш бошқармаси бошлиғи, З.К.Гафуров – "Le Grande Plaza" меҳмонхонаси Бош директори ўринбосари, У.М.Нурматов - "Aznur-travel" Туристик компанияси Бош директори, таянч ва турдош олий таълим муассасаларининг деканлари, кафедра мудирлари, етакчи профессор-ўқитувчилари ва таклиф этилганлар

## КУН ТАРТИБИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид далат дастури тўғрисида" 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги "2020/2021 ўқув йилидан кредит-модуль тизимига ўтиш тўғрисида"ги 357-сон буйруғида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб кредит-модуль тизими асосида таълим жараёнини ташкил этишни инобатга олиб 230000-Иқтисод таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти, **23 та** бакалавриат таълим йўналишлари ва **27 та** магистратура мутахассисликлари бўйича хорижий тажрибалар асосида тайёрланган малака талаблари ва ўқув режаларининг муҳокамаси.

**Сўзга чиқди: Проф. К.А. Шарипов** – Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид далат дастури тўғрисида" 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи ҳамда

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги "2020/2021 ўқув йилида кредит-модуль тизимига ўтиш тўғрисида"ги 357-сон буйруғида белгиланган вазифаларнин ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ташкил этилган ижодий ишчи гуруҳлар томонидан "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"га мувофиқ ишлаб чиқилган 230000-Иқтисод таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти, шунингдек, 23 та бакалавриат таълим йўналишлари, 27 та магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари "Таълим тўғрисида", "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасинин Қонунлари, шунингдек, асосий кадрлар истеъмолчилари ҳисобланган вазирлик, идора ташкилот ва корхоналарнинг олий ва ўрта махсус малакали кадрлар билан таъминланганли даражаси, кадрлар тайёрлаш ва уларга бўлган реал эхтиёжларни аниқлаш, уларнинг касбий малака ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар, ҳудудларни ижтимоий-иқтисоди ривожлантириш дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, иқтисодиё соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ва берилган таклифлар асосида хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Ишлаб чиқилган Давлат таълим стандартлари, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари турдош олий таълим муассасалари (Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти Қорақалпоқ давлат университети, Солиқ академияси, Тошкент темир йўл муҳандислик институти, Тошкент давлат аграр университети ва бошқа турдош олий таълим муассасалари) ҳамда асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирликлар, идоралар ва корхоналарнинг малакали мутахассислари иштирокида муҳокамадан ўтказилиб, келишилган ҳамда иқтисодиёт соҳасидаги илмий-тадқиқот институтларининг етакчи мутахассис-олимлари томонидан тақриздан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мкаҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги "Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида" 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги 3-сон қарорига асосан тузилган ишчи гуруҳлар томонидан "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"га мувофиқ Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ билим соҳасининг тегишли бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларини ишлаб чиқилганлиги ҳақида ахборот берди, уларни муҳокама қилиш ҳамда ушбу янгидан яратилган Давлат таълим стандарти, малака талаблари ва ўқув режалари ҳақида йиғилиш қатнашчиларидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиришларини сўради.

**Эшитилди. ТДИУ ректори проф. К.А. Шарипов**. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847 сонли қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич **23 та** бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда **27 та** магистратура мутахассисликлари бўйича таълимнинг кредит-модуль тизимидан кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилади. Бунда, таълимнинг кредит тизимида талабалар учун хафтада беш кунлик ўқиш ҳамда хафтанинг шанба кунини мустақил ўзлаштириш ...

Шунингдек, 2020/2021 ўқув йилидан Иқтисод соҳаси учун магистратура мутахассисликларида ўқиш муддатини 1 йил, илмий ва илмий-педагогик фаолият билан шуғулланувчи иқтидорли талабалар учун ўқиш муддатини 2 йил этиб белгиланади. Бакалавриат таълим йўналишининг сиртқи таълим шакли бўйича масофавий таълим олиш тизими босқичма-босқич йўлга қўйилади.

Университет ишчи гуруҳлари томонидан “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”га мувофиқ ишлаб чиқилган 230000-Иқтисод таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти, шунингдек, **23 та** бакалавриат таълим йўналишлари, **27 та** магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари ишлаб чиқилди.

| **Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари** | | |
|---|---|---|
| **№** | **Шифри** | **Бакалавриат таълим йўналишлари номи** |
| 1. | 5230100 | Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) |
| 2. | 5230200 | Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) |
| 3. | 5230202 | Менежмент: туризм бизнесини бошқариш |
| 4. | 5230400 | Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича) |
| 5. | 5230400 | Маркетинг (реклама иши) |
| 6. | 5230600 | Молия ва молиявий технологиялар |
| 7. | 5230700 | Банк иши ва аудити |
| 8. | 5230800 | Солиқлар ва солиққа тортиш |
| 9. | 5230900 | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) |
| 10. | 5231100 | Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар (минтақалар ва фаолият турлари бўйича) |
| 11. | 5231200 | Суғурта иши |
| 12. | 5231300 | Бюджет назорати ва ғазначилиги |
| 13. | 5231400 | Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича) |
| 14. | 5231600 | Инсон ресурсларини бошқариш |
| 15. | 5231900 | Корпоратив бошқарув |
| 16. | 5232200 | Эконометрика |
